



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2009 йил
6 май
ЧОРШАНБА
№ 36
(12.151)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Бугуннинг гапи

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги ҳамда тегишли идоралар томонидан ҳудудларга бириктирилган ишчи гуруҳлар изчил фаолият олиб бормоқда. Хусусан, улар жойларда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, касаначилик, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли ҳаракат дастурини амалга оширмоқдалар. Бу "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларга ҳамоҳанг бўлиб, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Мўҳбиримизнинг Юқоричирчиқ ҳамда Паркент туманлари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари – вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази раҳбари Баҳром Алматов билан суҳбати бу борадаги дастлабки натижалар ҳусусида кечди.

– Ҳар бир ишдан қўзланган мақсад бўлади, – деди Баҳром Иброҳимович. – Уларни тўла амалга ошириш, масалага изчиллик билан ёндашиш, албатта, ўз самарасини беради. Бугунги кунда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратишга кўмаклашиш бўйича доимий ишловчи гуруҳлар жойларда манзилли дастур асосида амалий иш юритмоқдалар. Бу гуруҳларнинг асосий вазифалари тадбиркорларга бугунги кескин бозор рақобати шароитида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўсиш суръатларини йўқотмаслик, истеъмол бозоридagi тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, энг муҳими, янги иш ўринларини ташкил этиш эвазига ишсизликка барҳам бериш масалаларида яқиндан амалий ёрдам кўрсатишдир.

Юртбошимиз бу каби масалалар юзасидан Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташкари сессиясида бир қатор фикр-мулоҳазалар билдириб, амалий қўрсатмалар берган эдилар. Улардан тўғри хулоса чиқариш, аниқ чора-тадбирлар дастурини белгилаб олиш, қолаверса, "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни изчил амалга ошириш, пировардида бу масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида ишчи гуруҳлар ўз вазифаларига изчиллик билан ёндашмоқдалар.

Бу каби вазифаларни амалга ошириш учун гуруҳимиз туманлар кесимида мавжуд меҳнат ресурслари, ҳудуддаги аҳоли сони, қолаверса, уларнинг ҳар бир тармоқ ва соҳалар кесимида мўкин иш билан бандлиги, мусоаса ҳамда қорхоналардаги бўш иш ўринлари, шунингдек, қўшимча янги иш ўринларини яратиш имкониятларини атрофлича ўрганиб чиқди. Шу билан бирга ҳудудлар кесимида мавжуд ишсизлар ва мавсумий иш билан банд бўлган фуқаролар аниқланди. Шу жараёнда яратиладиган иш ўринларининг аниқ манзили ҳамда моддий манбалари белгилаб олинди ва манзилли дастур ишлаб чиқилди. 2009 йил дастур асосан барча йўналишлар бўйича 4141 та янги иш ўринлари яратилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига кўра, яна қўшимча 2000 та иш ўрни очилди.

Маълумки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали кўпгина натижаларга эришиш мумкин. Чунки, бу усулда ҳар икки томон – иш берувчи ва ишга талабгорлар бундан бирдек манфаатдор. Бир вақтда буюртмачи, иш берувчининг ишчи қўли бўлган эҳтиёжи бартараф бўлса, иккинчи томондан талабгорлар доимий иш билан банд бўлади. Турмуш изга тушиб, одамлар ҳаёти янада фаро-

вонлашади. Шу мақсадда бу йўналишда 914 та янги иш ўринлари яратилди. Демак, 1-чоракда 192 ўрин барпо этилган бўлса, йил охиригача яна 722 фуқаро ишга жойлашади. Бунинг учун 77 та қорхона, фирма ва бошқа муассасалар, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлик имкониятлари ишга солинади. Озиқ-овқат, чакана савдода 18, хусусий қорхоналар қосида 47, халқ таълими бўлимида 40, маҳаллаларда 50 киши қўшимча хизмат кўрсатиш бўйича банд бўлади. Мақаблар қосида пойабзал таъмирлаш устаноналари, ҳар бир маҳаллада ҳудудий электр усталари, шунингдек, 50 та хонадонда телефон сўзлашув пунктлари ташкил этилади.

Ҳунармандчилик уюшмаси туман бўлими билан ҳам бешик, сандиқ, беланчак ясаш, тикувчилик, қурилиш-таъмирлаш усталари учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Бугунги кунда туманда 1190 та фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Уларда жами 3919 киши меҳнат қилмоқда. Шунингдек, 1190 та қўшимча иш ўринлари барпо этилади. Бунинг учун фермер ҳўжаликлари моддий манбалари ҳисобидан 595 миллион сўм сарфланади. "Паркент қурилиш сифат" унитар қорхонаси, "Хисорак қўйлиги тоғ" ХУЖПШ, "Паркент сабр қурилиш" шўбаси қорхонаси каби 12 ташкилотда 80 та фуқаро доимий меҳнат билан банд бўлади. Аҳоли томирқаларида қорачиликни ривожлантириш ҳисобида 88 ўрин яратилди. Бунинг учун 90,2 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, кичик қорхоналар, микрофирмалар ташкил қилиш ҳисобида ҳам 400 киши иш билан банд бўлади.

Бу йил "ARKO-STYL" масъулияти чекланган жамияти, вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қорхона, "Азия керамика строй", гиш ишлаб чиқарувчи қорхоналар ташкил этилади. Бойқозонда эса, "Паркент BEER-TRADE" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди. Бу қорхона алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқариб, 12 кишини мўкин иш билан таъминлади.

Қолаверса, 370 та ўрин, йирик объекتلари ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш, 1270 та ўрин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, 360 та ўрин уш меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш ҳисобида очилди.

"Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан туман тижорат банклари 925 миллион 1 миллиард 205 миллион сўм кредит маблағи, шунингдек, вилоят тижорат банклари ҳисобидан 1 миллиард 346 миллион сўм ажратилмоқда.

– Бу саъй-ҳаракатлар, ўйлаймики, ўз самарасини беради, – деди пировардида сўхбатдошимиз. – Яратилаётган янги иш ўринлари ва хайрли ташаббус қўзланган мақсадлар учун хизмат қилиб, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшади.

Ҳасанбой САЎДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.



«АСРЛАР САДОСИ»:

БЕТАКРОР УДУМЛАР, БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ

"Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали – "Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" фонднинг йирик лойиҳаларидан бири. Аҳамиятли томони шундаки, фестиваль ёлғиз ёшларга эмас, очик ҳавода, аниқ-рақ, диёримизнинг турли маданий ва тарихий марказлари кенгликларига ўтказилади. Лойиҳанинг мақсади – миллий фольклор меросимизни сақлаб қолиш, халқ ижодиёти намуналарини оммавийлаштириш, бадий этнографик жамоаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистоннинг асрий маданиятини жаҳон ҳамжамиятига намойиш этишдан иборатдир. Фестиваль биринчи марта ўтган йили Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида бўлиб ўтган эди. Ушунда икки кунлик фестивалга 50 мингга яқин томошабин ташриф буюрганди.

Бу йил азиям Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Фонд ва ЮНЕСКО халқаро ташкилотли ҳамкорлигида анъанавий фестивалнинг навбатдагиси вилоятимизнинг Бўстонлиқ ва Окўғур туманларида бўлиб ўтди. Бу йилдан эътиборан лойиҳа ўз ичига илмий йўналишни ҳам олган. Шунга қўра, фестиваль атқоли олим Эдвард Ртвеладзе китобининг тақдироти билан бошланди. Тақдирот маросимда маданият ва санъат арбоблари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ёшлар жамулжам бўлишди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзе "Марказий Осиё тамаддуни ва маданияти" деб номланган китоби Марказий Осиё давлатлари тамаддуни, Евроосиё китъасида жойлашган турли давлатлар маданияти ва динининг ўзаро алоқаси мавзусига бағишланди. Давлат муқофотида сазовор бўлган мазкур асар Фонд кўмаги остида инглиз тилида чоп этилди.

Шунингдек, фестивал меҳмонлари Ёшлар ижод саройида маданиятнинг "Узроқ" ташкилотининг "Миллий санъат инъомлари: қадим ва замона" шоу-кўргазмасидан ҳам баҳраманд бўлишди.

2009 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг аниқсеса – 205.

ҚАДИМ ҚАЛЪАГА САЁҲАТ

Оққўрғон туманида Қонқа қадимий шаҳарчасининг ҳаробалари сақланиб қолган. Шаҳарчада эраимиздан аввалги III асрдан давримизнинг XII асригача ҳаёт қайнаган. Тошкент воҳасининг қадимий пойтахт маркази айнан Қонқа бўлганлиги қўпчиликда қизиқиш уйғотиш табиий. Шаҳарча пойтахт макомини VII аср бошларида қадар сақлаб қолган. У Тошкентдан 70 километр узоқликда, жанубий-ғарбда жойлашган. Фестивалнинг илмий-маърифий қисми айнан мана шу манзилда бўлиб ўтди. Бу ерга пойтахтимиздаги нуфузли олий ўқув юрталарида тарих йўналишида илм излаётган устоз ва талабалардан иборат илмий гуруҳлар ташриф буюрди. Улар учун маҳорат дарслари ва маърузалар ташкил этилди.

Тарих фанлари номзооди, Фанлар академияси археологик илмий тадқиқот институти катта илмий ходими Геннадий Богомолов, тарих фанлари доктори, академиги Юрий Бурыковнинг маърузалари бағоят қизиқарли бўлди. Айниқса, хорижлик меҳмонлар қаторида япониялик таниқли олим, археолог Като Кюдзюнинг иштироки маҳорат дарсларининг жонли ўтишини таъминлади.

– Мозийга қараб иш тутмоқ хайрли, дейишади. Биз тарихимизни қанчалик чуқур ўрганганимиз сари қимлигимизни, қимларнинг авлоди эканлигимизни англаб борамиз, – деди Низомиё номиди Тошкент давлат педагогика университети талабаси, Фонднинг грантлар дастури болиби Шерзод Шерматов. – Шу маънода фестиваль доирасида Қонқадек тарихий жойга саёҳат уюштирилгани айни мудоао бўлди. Машҳур олимлар, тарихчилар билан юзма-юз туриб, узоқ ўтмиш ҳақида сўхбатлашиш ҳаммага ҳам нарсис қулайвермади.

БЎЛУТЛАР БИЛАН БЎЙЛАШИБ...

Фестиваль дастуридан ўрин олган халқ сайллари Бўстонлиқ туманидаги Қоранқўл қишлоғида давом этди. Қўйлиқ кун, мусоффо ҳаво, ям-яшил адир....

Фестиваль ўтадиган жой қир чўққисиди эди. Ёнбағридда тикилган ўтовлар эътиборни тортади. Ундан ортқ боров. Бу ердаги эл-улуснинг гурас-гурас бўлиб юриши, ўйин-кулгуларини қўриб руҳиятингиз кўтарилади. Тоғ ёнбағрида, ям-яшил дубоҳа ёнингдан боқира табият қўйнида киши ўзини алланечук бардам, қушдек енгил сезар экан.

Пастга назар ташлаймиз. Ана шундагина фестивални ўқашси учун нимага бу жой танланганини тушунамиз. Бу манзарани кўрмабсиз, бу дунёга келмабсиз. Қаршимиздаги Қоржонтов тизмаси тиз чўкиб қолгандек. Пойимизда Чотқол дарёси мавж уради. Тепангизда бўлутлар қўл ет-гудек сузиб юради. Бу ерлар-

нинг таърифини келтириш қийин. Суратини тасвирлаш учун Урол Тансиқбоевдек буюк мусаввир бўлиш кераков.

Карнай-сурнай навалари, доира садоси, ногоралар така-тукуми сайил қизғанидан қизиб бораётганини эл-юрта овоза қилмоқда. Бир ёнда водийдан келган иштирокчилар "Андижон полса-ки"га рақс тўшаётган бўлса, бир ёнда қўша Хоразмининг дилбар йигит-қизлари "Лазги"га жиром этишмоқда. Бой-қизлар эл-улуснинг либослари шўх-шай яллари билан аж-ралиб турибди. Чор тарафдан қўй-қўйиқ, ҳазил-мутойиба эшитилиди.

Шу кўни узоқ ва яқин вилоятлардан келган 168 фольклор жамоалари ва бахшилар ўз санъатларини намойиш этишди. Кимдир "Алломийш" достонини қўйилмақом тарзда ижро этиб берган бўлса, қайсибир жамоанинг қизлари миллий либосларда ял-ял ёниб, даврани тўлдириб рақсга тушишди. Миллий либослар фестивалига қадимий ўзбек либосларидан тортиб, замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган ўст-бошлар олиб келинган эди. 70 нафар иштирокчи уларни бирма-бир намойиш этишди. Дорбозлар шоуси, хўроз ва қўқорлар жанги эса ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Булардан ташқари, амалий санъат ва миллий матолар кўргазмаси намойиш этилди. Ушга ташриф буюрганларнинг кети узилмади.

Дастурхонга тортилган ҳар хил қўқати сомасларининг маънаси озгингизда қолади. Ҳамда хисоботлар назоратини қўриб барчаси ҳозирлик меҳмонларга миллий маданиятимиз билан яқиндан танишиш имконияти берди.

(Давоми 3-бетда).

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак жорий йилнинг 10-12 май кўнлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

9 май – Хотира ва қадрлаш кўни

ФАХРИЙЛАРГА ЭЪТИРОМ

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида 9 май – Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қадр-қимматини улуғлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўтганларни хотирлаш ва кексаларни улуғлаш, ҳурмат-эътиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 15 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

– Вилоятимизда 1673 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади, – дейди "Нуроний" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси Н. Насимов. – Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Тадбирда Зангиота туманида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига байрам совғалари топширилди. Уруш иштирокчилари ва ногиронлари, ҳалок бўлган жангчилар оилалари ҳамда ўзгалар ёрдамга муҳтож кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилган бундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида давом этмоқда.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Вилоят Ҳаёти

САРОЙДАГИ БАҲС

"Металлур" маданият саройида республиканинг энг қучли хотин-қиз шахматчилари мусобақаси ўн кун давом этди.

Ўзбекистон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Н. Мўминова ҳамда 4 нафар спорт устаси, 5 нафар спорт усталигига номзод шахматчилар ўзаро куч синашдилар.

Нуфузли мусобақада бекободлик Севара Боймуродова муваффақиятли иштирок этиб, 9 та ўйиннинг 6 тасида ғалабага эришди. 2 тасида дуранг натижага қайд этди. Севара ўтган йилги Ўзбекистон чемпиони Н. Мўминова билан бир хил – 7 очко тўплади. Улар ўзаро ўйинда дуранг натижага қайд этганликлари учун ҳар иккаласи мусобақа ғолиби бўлишди.

А. КУДРЯТОВ,
"Металлур" спорт-соғломлештириш мажмуаси шахмат тўғраги мураббийи.

ИНТИЛАНГА ТОЛЕ ЁР

Паркент туманида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, улар ўртасида бандлик даражасини ошириш, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ана шу мақсадда тумандаги агросаноат қасб-хунар коллежиде туман ҳокимлиги, прокуратура-сини, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бандликка қўмаклашиш маркази ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 27 қорхона ва ташкилот, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 176 бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 142 нафар фуқаро ва коллеж битирувчилари турли ташкилотларда ишлаш учун йўналма олди.

Коллежда туман тадбиркорлик субъектларини рўйқатга олиш инспекцияси, Ахборот-маслаҳат маркази, "Микрокредитбанк" туман бўлими ҳамкорлигида мустакил фаолият юритувчи фуқароларга микрокредитлар ажратиш ва уни расмийлаштириш бўйича маслаҳат маркази ҳам ташкил этилди.

Туман бандликка қўмаклашиш марказидан олинган маълумотга қўра, айни пайтгача беш марта ана шундай меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, уларда минг нафарга яқин фуқаро иш ўринларига эга бўлди.

– Мен бу меҳнат ярмаркасида ўзимга муносиб иш топдим, – дейди паркетлик Жасур Жинаев. – Туманимиздаги тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш қасб-хунар коллежини битирганман. Ярмарка ёрдамида тумандаги ёниқли мойлаш шохобчасида ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

ТАШЛАНДИҚ ЖОЙДА ИССИҚХОНА

барпо этган тадбиркор Суннат Носиров ҳукумат яратиб берган кенг имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, ҳўжалик фаолиятини кенгайтириб бормоқда

Ҳисобида. Қўшни ҳудудлардан келтириладиган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини қондирмаслиги табиий. Шунга қўра, туман ҳокимлигига бориб, иссиқхона фермер ҳўжалигини ташкил этиш моқни эканлигини айтиди. Бу тақлиф мутасадди раҳбарларга маъқул келди. Чун-

ки, иссиқхона ҳўжалигини юритишнинг минг бир машаққатлари бор, у оддий деҳқончилик эмас. Шу боис талабгорлар топилавермади. С. Носиров эса, ўйлаб қўйган режаларини бир-бир баён этиб, туман раҳбарларини ишонтирди.

(Давоми 2-бетда).

ция тадбирлари намойиш этилди.

Укув-машқларининг учинчи куні туман маиший хизмат курастши касалхонар коллежида "Фуқаро муҳофазаси куні" тадбири, туман ветеринари хизматининг "Ута хавли юкумли касалликлари (кутуриш) бартараф этишда профилактика ишларининг олиб борилиши" тактиксмаксус амалиёти бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, тадбирда белгиланган вазифалар тула-тукус бакарлиди, катташчилар етарли куникмакар олишди. Туман худудий куйи тизими рахбар органлари, куч ва воситалар юз бериши эхтимоли бўлган фуқавулдо вазиятларда харакатларга тайёр деб бахоланди.

Азамат СУЮНОВ.

КЎШИҚ ХАЛҚЛАРИНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Тошкентда талабалар ўртасида "Кўшиқ халқларини яқинлаштирад" мавзусида хитой тилидаги кўшиқлар ижроси бўйича танлов бўлиб ўтди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти томонидан ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида гуманитар соҳадаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳужужий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тошкентда 2005 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Конфуций номидаги институт Ўзбекистонлик ёшларга хитой тили ва маданиятидан сабоқ бериш баробарида, турли тадбирлар воситаси билан икки мамлакат ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган навбатдаги тадбир – "Кўшиқ халқларини яқинлаштирад" танловидеа пойтахтимиздаги қатор олий ўқув юртилари, академик лицейлар талабалари хитой халқининг мумтоз ва замонавий кўшиқларини ижро этди.

Танловнинг бош мукофоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Санжар Турсунқўжаевга насиб этди. Кейинги ўринларни Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги академик лицей талабаси Комила Турдиева, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Мираббос Қаршиев эгаллади.

Ў.А.

Акбар АЛИЕВ.

НОМУС ВА ҲАЁ КУШАНДАЛАРИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Фан-техника, замонавий ахборот технологиялари шиддат билан тарқоққон этмоқда. Бу ҳаётимизни янада тўқмас ва фаровон, узоғимизни яқин, мушкулларимизни осон қилмоқда.

Бир пайтлар орзу қилганимиз мобил алоқа воситалари, компьютер, рақамли фото ва видеокамералар, плеерлар бугун деярли ҳар бир хонанда мавжуд бўлиб, уларга оддий

Бугунги кунда интернет дунёнинг энг чека нуқталари ҳисоб қилинган. Ушбу глобал тармоқ инсталланган ҳудуд билан алоқа ўрнатилган, маълумот ва ахборот олиштириш, таълим, илм-маърифат тарғиботида ҳам энг мақбул восита эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Аммо, унинг айрим салбий жиҳатлари ҳам кузатишмоқдаки, бундан қўзғилиб бўлмайди. Масалан, бугун шаҳарлик болаларнинг диққат-эътиборини забт этди, эндиликда қўшқолларга ҳам кириб бораётган "Интернет клуб"лар зўғ тарқатиш, ёшларимизнинг тафаккури ва савиясини ошириш билан бирга жангари, ўр-ийикт ва ҳар хил беҳаё томошалар масканига ҳам айланган қолётган таълимий-ахлоқий ҳол. Ёки тобора кенг тарқалиб бораётган мобил телефонларга маънавийликка эга бўлган ҳар хил клип ва суратларнинг кўчириб олиниши, бу одатнинг ёшларимиз орасида кенг ўрф бўлаётгани, фарзандларимизнинг юриш-туриши, ахлоқи, ҳаёт саломатлигига раҳна солаётгани орқива шобат талаб этмайди. Турли ифосатларни кўравериб, қўзи пилган ўсимлар пайти келиб турли нохуш иллатлар гирдобига тушмаслигига ҳеч қандай қароғай бўла олмайди.

Утеранный диплом о среднем-специальном образовании КХТ № 009037 от 10 июля 1998г. (регистр. № 35612), выданный бизнес-школой № 3 г. Ташкента на имя Алексеевой Дарьи Юрьевны.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕЛЬНЫМ.

Утеранное свидетельство о регистрации за № ТА 0592741 3904-37, выданный 13 августа 2008г. Кадастровым управлением г. Ташкента на Утеранное общество глухих на недвижимое по адресу: г. Ташкент, Яхсарайский район, ул. Мирзалиева, дом 242.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕЛЬНЫМ.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Санъатсевар халқимизнинг куй-қўшиққа бўлган иштиёқи, айниқса, баланд. Бу ҳақда Ўзбекистоннинг "Юксак маънавият – энгилмас куч" китобида шундай дейилади: "Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади... Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навакирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда".

ЮРТНИ КУЙЛАШ БАХТИ

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Буни, кунда-кунора ўтказилаётган катта концертларда томошабинларнинг зални тўлдириб ўтиришдан ҳам билса бўлади. Лекин, бу "одамлар ҳар қандай қўшиққа жўр бўлиб, рақс тушади, ўрнидан туриб олқишлайди", дегани эмас. Мағзи тўқ, пишқи-пўхта шеърларга басталанган оҳорли, ҳар хил қуроқлардан ҳоли тарава ва уни юрак-юрақдан ҳис этиб, тоза талаффуз билан моҳирона ижро этган хонандани ҳар қандай томошабин бошига кўтарди.

Албатта, унинг тарбиявий аҳамияти ҳақида устувор макомга эга. Ҳозирги кунда ана шундай қўшиқлари билан эл оғзига тушган хонанда-

ларимиз Озодбек Назарбеков, Зулайхо Бойхонова, Ёиёс Бойтегов, Шухрат Қаюмов, мумтоз қўшиқчиллик санъатининг юлдузларидан Муножат Йўлчиева ва бошқа санъаткорлар номини фахр билан тилга оламиз. Истиқлол йилларида ёш истеъдодларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларнинг ифодаси бўлиб турли танловларнинг ташкил этилаётганлиги айнан ана шундай иқтидор эгаларини кашф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Авалло, дилда шукроналик туш урган инсоннинг тилида Ватан сўзи жангилдайди. Мустақиллик нэматларининг қадрини чуқур идрок қила олганларгина Вата-

давлатимиз раҳбарининг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори барча санъаткорларга руҳий кўтаринкилик, жўшқинлик бахш этди. Шу кунларда, ушбу қарорга мувофиқ Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бirlашмаси, республика Маънавият-тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси, Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси эълон қилган кўрик-танловга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, вилоятимизда кўрик-танловнинг худудий босқичлари 25 апрелдан бошланди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бoшқармаси, ёзувчилар

учун ҳоқимлик томонидан 5 миллион сўм пул мукофоти тайинланди. Ҳозир танловда иштирок этиш истагидидаги талабдорларни рўйхатга олиш давом этмоқда. Мустақил диёриимизнинг 18 йиллиги танта-наларига қатнашиш насиб этадиган танлов ғолибларини орасида вилоятимизнинг юрагига озода Ватан ишқи ёнган қайноқ қалбли ёшлар, юртига садоқатли, мустаҳкам эътиқодли, танлики санъаткорлари ҳам бўлиши шубҳасиз. Ўзбекистонимиз айтганларидек: "Замонлар ўтаверади, даврлар ўтаверади, аммо Ватан абадийдир". Ватанин севиб, суёб ардоқлаш, бор вужуди билан жўшиб куйлаш эса энг олий бахтидир.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Одамийлик шеvasи

Унинг ўз қадридан маҳалласи, дунёдаги ҳамма кўчалардан чиroyли кўчаси, қароғон уйи, ўзи тенги ўртоқлари бор эди. Узоқ ўйнаб қолганда, ҳавотирланган онаси дарвозанинг бир қанотини очиб, майин овозда исмини айтиб чақирарди. Айниқса, онасининг бағрида эркаканиб, ухлаб қолганда қандай завқли эди-я!

Лекин бу ширин дамлар узоққа чўзилмади. Кўп ўтмай, уйларида тез-тез жанжал кўтарилаётган, кейинчалик дадаси уйига бот-бот маст ҳолда келадиган бўлиб қолди. Шундай кунларнинг бирида дадаси уйдан батамом кетди. Кейинчалик...

Кейинчалик онаси уни сал нарасага қаттиқ уришадиган, айрим кунлари уйга кеч қайтадиган одат чиқарди. Орадан кўп вақт ўтмай, уни онасидан ажратиб, йигирлаб, бу ерга олиб келишди...

Бу ерда ҳамма бирга ахил, қувноқ яшайди. Лекин Наргиза уларга қўшила олмаяпти. Ҳовлидаги ўриндиққа чиқиб, ерга қараб, узоқ ўтиради, "Ойиҳоним, дадажоним, қачон келасиз", деб унсиз йиғлайди, кўзларидан дув-дув ёш оқади.

Мевазор дархатлар кўйнидаги бу кўркам бино ичида шимдан дам олиш хоналари, кенг ва ёруғ ётоқхоналар, дархоналардаги жиҳозлар болалар хизматига. Ёшига қараб, гуруҳлар

Леким қоши эди, меҳрибон мураббийлар бир нафасга бўлса ҳам ўз ота-оналарига айланган қолдишас... Уларнинг кўксига бош қўйиб, она ҳидига тўйишас, гўдаклар юзида чинака-мига болалар қувончи порласа.

Ҳақат ўз ҳаловатини ўйлайдиган оталар, ҳавойи наҳаллар ортидан юрган оналар! Бир-бирларини гизга аччиқ қилиб, болани тирик етим қилишдан, бир-бирини гиздан ўч олиб "ғолиб"



ЧЕМПИОНАТ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг олий лигасида саккизинчи турда олти ўйинда мезбонлар, иккитасида меҳмон жамоа ғалаба қозонди.

"Пахтакор" футболчиларининг "Динамо" (Самарқанд)га қарши учрашуви Осиё чемпионлар лигасида 6 май кунини "Ал-Ахли" (Бирлашган Араб Амирликлари) билан бўладиган ўйинга тайёргарлик вазифасини ўтади. Виктор Жалилов шогирдлари дастлабки дақиқалардан ҳужумга зўр берди. Танаффусгача Зайиндин Тожиёв иккита ва Одил Аҳмедов битта тўп киритиб, "Пахтакор"ни 3:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди. Беллашувнинг иккинчи ярмида ёш ҳужумчи Санъат Шихов қўли зарба билан Олег Горвиц қўриқлаётган "Динамо" жамоаси дарвозасини тўртинчи мартаба ишғол қилди.

Қаршининг "Насоф" жамоаси ҳам ўз майдонидан "Сўғдиёна" (Жиззах) ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга уратди. Голларга Илхом Шомуродов, Рустам

Кодиров ва Жаҳонгир Жиямуродов муаллифлик қилди.

Саккизинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Олмалик" (Олмалик) – "Машъал" (Муборак) 2:0, "Андижон" (Андижон) – "Қизилқум" (Зарафшон) 2:1, "Навбахор" (Наманган) – "Металлург" (Бекобод) 3:0, "Локомотив" (Тошкент) – "Хоразм" (Урганч) 2:0, "Шўртан" (Фўзор) – "Бунёдор" (Тошкент) 0:1, "Бухоро" (Бухоро) – "Нефтичи" (Фарғона) 1:2.

Мусобақа жадвалида саккизта учрашувнинг барчасида ғалаба қозониб, йигирма тўрт очко тўплаган "Бунёдор" биринчи ўринда бормоқда. Асосий рақобати – "Пахтакор" пешкадаман тўрт очко кам жамғарган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Бу – қизиқ

● 1934 йили Нью-Йорк штатидаги Ист-Пачог шаҳри аҳли осмондан миршабларнинг бош кийимлари ва таёқлари ётганини кўриб, ёқа ушлаган.

● 1974 йили Новомаевская қишлоғида резина қалишлар ётган. Айтишларича, қалишларнинг бари бир пой бўлиб, кейинчалик аҳоли узоқ вақтгача уларга мос жуфт излаш билан овера бўлган.

● Табиат Филлиппиндаги Липа шаҳри аҳолисини танга, снаряд ва бақалар ёмғири билан сийламаган. Бироқ, у ерда 1948 йил октябрдан то декабргача бир неча марта аттиргул барглари "ёмғир"ни ётган. Айтишларича, бу жудаям гўзал ва ёқимли томоша бўлган экан.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Бекажон

Сабзавотли салат

Масаллиқлар:
2 та бодринг, 2 та сабзи, 1 та олма, 2 та помидор, 100 г салат барги, 100 г сметана, 1/2 стакан лимон шарбати, 1 чой қошиқ шакар, таъба кўра туз.

Тайёрлаш:
пшмаган сабзи, олма ва бодринг ювилиб, пўчоғи арчилади. Бодринг юпка қилиб тўғралади. Сабзи ва олма йирик тишли киргичдан ўтказилади. Салат барглари ювилади ва 3-4 бўлакка бўлинади. Ҳаммаси тоғорача солинади, таъбага қараб туз, шакар, сметана, лимон шарбати қўшилади ва аралаштирилади, сўнгра идишга уюб солинади. Устига янги қўзилган помидор юпка қилиб тўғралади.

Мевали салат

Масаллиқлар:
5-6 та олма, 1 та лимон, 1 ош қошиқ қанд упаси, 50 г ёнғоқ мағзи.

Тайёрлаш:
олманинг пўчоғи арчилади, уруги олиб ташланиб, майда қилиб тўғралади. Унга бир неча бўлак лимон қўшилади ва салат идишида солинади, устидан қанд упаси ва майдаланган ёнғоқ сепилади.

Утеранная лицензионная соглашение (Лицензия битим), выданная 14.04.2004 г., № 2387/2416-04 частной аптеке "Абдухалил", находящаяся по адресу: Ташкентская область, Уртачирчикский район, г. Туйтепа, ул. Ташкент йули.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕЛЬНЫМ.

Рассом хандаси



Хусан СОДИКОВ чизган расмлар.

Янгиўул туманидаги 48-мактаб томонидан Аппазова Умиди Ережпеновага 2005 йилда берилган O'R-SH № 0752914 рақамли шарафнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛНАДИ.

"ACTY PHARMA" хусусий корхонаси ўзининг низоми жамғармасини 400 000 000,00 сўмдан 100 000 000,00 сўмга қамайтиради. Мурожат учун телефон: (+99897) 431-00-33.

Утеранный свидетельство частного предпринимателя № 01-04762 (реестровый № 0106298) от 26.11.2008г. выданный отделом регистрации субъектов предпринимательства Утеранского района г. Ташкента на имя Шахмедовой Мухоевой Мухамедовны (ИНН 144637674),

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВЕЛЬНЫМ.

ООО "Express Leasing" (ОКОНХ 96190, ИНН 206681014) реализует по безналичному расчету б/у легковой автомобиль марки ЛАДА 21074-120-21, год выпуска 2007 года, цвет белый. Контактные телефоны: 280-55-06, 280-55-07.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилими:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бoшқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
сахфаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.

Хафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
① беллиги материаллар – тижорат материаллари.

Буюртма Г-440.

Адади 8441.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Саҳифаловчи: Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмачисидида босилди.

Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр қўрсатишчи – 205.

Босишга топириш вақти – 20.00. Босишга топирилди – 19.30.